Куч — адолатда

2014 йил
5 июль,
шанба
№ 27 (488)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНДА ЯШАШ БАХТИ

Ватан мустақиллиги — энг улуғ, энг азиз неъмат. Бугун биз эришган, эришажак юксак марралар, руҳ ва дил тантанаси, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини кўтаринки руҳ, меҳр-муҳаббат, хушкайфият билан кутиб олади. Шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб қаршилашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўп минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Бу галги улуғ айёмимиз янада шукуҳли ва улуғвор руҳда ўтади, албатта.

Президентимизнинг қарорида таъкидланганидек, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марралар таҳлилида ҳам англаш мушкул эмас.

Мустақил ўтган йигирма уч йил мобайнида халқимиз дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги кучайиб бормоқда.

Алоҳида эътирофли жиҳати эса, бугун биз тарихан қисқа даврда эришган бемисл ютуқлар замирида халқимизнинг меҳнатсеварлиги, фидойилиги ва сабр-тоқатлилиги, мустаҳкам иродаси, бағрикенг ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи мужассам эканлигини асло унутмаслигимиз зарур.

Мустақиллик — бу, аввало, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати демакдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Қарори мазмун-моҳияти ва устувор жиҳатлари ҳақидаги фикрларимизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, улуғ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида халқимиз, ёшларимизнинг онгу шуурига Мустақилликнинг қадр-қиммати, моҳияти ва аҳамиятини янада чуқур сингдириб боришимиз тақозо этилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Одил судлов тамойиллари

янги қонун билан янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — бу қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Шу боис ўтган давр мобайнида одил судлов тамойилларини ривожлантириш, судда иш юритишни ва ишларни кўриб чиқишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ишларни юритишнинг тезкорлигини ошириш, шу билан бирга алоҳида муҳим йўналиш сифатида жиноятчиликка, айниқса, порахўрлик жиноятларига қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ислоҳотлар тизимида муҳим йўналишга айланди.

Жорий йилнинг 15 май куни матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"**ги қонун ҳам айни юқорида таъкидланган муҳим жиҳатларни қамраб олган.

Айтиш керакки, ушбу қонун 29 та моддадан иборат бўлиб, унинг 10 га яқин моддаси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларига, шунингдек, "Нотариат тўғрисида"ги ва бошқа қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қуйида уларнинг мазмунига тўхталиб ўтамиз.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш, суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи мустақил суд ҳокимияти қарор топди.

Huquqiy ma`rifat

Сиртдан иш юритиш тартиби

амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда

Соҳага оид қонунчилик ҳам ислоҳотларга монанд равишда такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Фуқаролик-процессуал кодексига 224-236-моддаларни ўз ичига олган "Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш" номли 19-боб киритилди. Мазкур бобнинг кодексга киритилиши қонун ижодкорлигида тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланишдаги долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилди ҳамда бу фуқаролик ишларини сиртдан кўриш институти сифатида намоён бўлди.

Чунки сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти дунёнинг кўплаб ҳуқуқ тизимларида кенг жорий этилган. Масалан, Англияда Олий суд, шунингдек, графлик судларида кўриладиган оддий ишлардан кўра, ишларни сиртдан кўриб ҳал қилиш сон жиҳатдан бирмунча устунлик қилади. Мазкур ҳолатни АҚШ, Франция, Германия давлатларининг суд амалиётида ҳам кўриш мумкин.

Айтиш керакки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 224-моддасида суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган. "Сиртдан иш юритиш тартиби" деб номланувчи 226-модданинг биринчи қисмига кўра, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг важ ва илтимосларини эътиборга олиб, ҳал қилув қарори чиқаради. Мазкур ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори деб аталади.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик учун қулай имкониятлар

Айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг 7 апрелида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Унга кўра, 2014-2015 йилларда Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquq va burch

Фуқароларнинг мурожаати

уни ўз вақтида кўриб чиқмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари қатори мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатланган. Хусусан, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур қонун талабларига кўра, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини тиклаш учун давлат идораларига, ташкилотларига ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ва мурожаатига тегишли жавоб олиш ҳуқуқига эга. Борди-ю, ушбу мурожаат юзасидан берилган жавоб ёхуд қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда, судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, фуқаролар мурожаати — аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги даркор.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Шартли ҳукм

у қандай тартибда ва кимларга нисбатан қўлланади?

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараёнда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни амалда кутилган самарани бериб, жиноят учун жазо тайинлашда унинг оғирлиги эмас, балки жазонинг муқаррарлиги муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб келмоқда. Бу тамойиллар Жиноят, Жиноят процессуал кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали қонунчиликда кенгроқ акс эттирилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, санаторийда дам олишим учун ишхонамдан менинг номимга берилган йўлланмадан оила аъзоларимдан бири, масалан, онам фойдаланиши мумкинми?

Нодира РАЖАПОВА,
Нукус шаҳри

— Йўлланмангиз ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан берилган бўлса, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9/24-сонли қарори билан тасдиқланган Йўриқномага асосан касаба уюшма ташкилотидан олган шахс учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

Агар йўлланма касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан олинган бўлса, йўлланмадан оила аъзоларингиз ҳам бемалол фойдаланиши мумкин. Бундай вазиятда ходим ўз аризасида йўлланмани оила аъзоси учун ажратишни сўрайди ва у қариндошларидан бирининг номига расмийлаштириб берилади.

Иш берувчи ходимни олдиндан огоҳлантирмасдан, шунингдек, бу ҳақдаги буйруқ билан таништирмасдан ҳам ишдан бўшатиши мумкинми?

Бўрон КЕНЖАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Ғузор тумани, Оқтош қишлоғи

— Бундай тартибда ишдан бўшатиш қонун талабига мутлақо зид. Чунки амалдаги Меҳнат кодексининг 102-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қонунда белгиланган муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт. Шунингдек, мазкур кодекснинг 108-моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунга кўра, шахс меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган деб ҳисобласа, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши лозим.

Айтинг-чи, битта турар-жойга нисбатан икки кишига эгалик ҳуқуқи берилиши мумкинми?

Х.ИСМОИЛОВ,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани, Тутбозор маҳалласи

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда Фуқаролик кодексининг 197-моддасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари белгиланган бўлиб, қонунда назарда тутилмаган ҳолларда эса, ҳеч ким мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Шу сабабли дастлабки мулкдорнинг эгалиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмасдан, яна бошқа шахсга айнан бир мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланиши мумкин эмас.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Huquq va burch

Фуқароларнинг мурожаати

уни ўз вақтида кўриб чиқмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг самарали омилларидан бири — бу давлат ҳокимиятининг ҳар бир идорасида фуқароларни қабул қилиш кунлари қатъий белгилаб қўйилганлигидир.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг мурожаатига лоқайд муносабатда бўлиш, эътиборсиз қараш, уни ўз вақтида кўриб чиқмаслик, умуман, фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни қонунга зид равишда тарзда рад қилганлик, кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик ва шу каби фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорнинг лозим даражада бажарилишини таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима белгиланган.

Фуқароларнинг давлат органларига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки ушбу мурожаатида танқидий муносабат билдирганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилинса, Жиноят кодексининг 144-моддасида назарда тутилган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятининг асослари изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Бу эса, юртимизда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқига алоҳида эътибор берилаётганлиги, мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилишнинг самарали тизими шакллантирилганидан далолат беради.

Камолиддин МУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Тайлоқ тумани судининг раиси

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

Озод ва обод Ватанда яшаш бахти

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақиллик байрами ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида юртимиз бўйлаб катта тантана қилинади. Эътиборлиси эса, ҳар йилги байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади. Бу йилги байрам "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этмоқда.

Ушбу ғоят таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

Байрам шиоримиз ўз замирида кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, озод ва обод юртимиз қиёфаси, барқарор суръатларда ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллатларнинг бугунги бахт-иқболи ва ёрқин истиқболини, гўзал юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни тўла мужассам этган.

Бугун Ўзбекистонимиз барқарор суръатларда жадал тараққий этаётган мамлакатлар қаторидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ миллий тараққиётнинг мутлақо янги шакли — "ўзбек модели" белгилаб олинди. Кўп ўтмай бу йўлнинг энг тўғри ҳамда оқилона йўл эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилди. Мустақил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳияти эса "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойилнинг ҳаётий ифодаси сифатида бўй кўрсатди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақамлар қиёсий таҳлили ҳам бугунги кунимизнинг кечагисидан тубдан фарқ қилишини англатиши яққол аён.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканлигининг амалий тасдиғидир.

Айниқса, юртимиз ёшлари учун яратилган кенг имкониятлар, уларнинг замонавий билим эгаллашлари, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун қурилган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳамда бу ердаги зарур шарт-шароитларга бугун дунё жамоатчилиги катта қизиқиш ва зўр ҳавас билан қарамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобидан жой олган маъруза ва нутқларда мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда истиқболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт, деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомили - давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини белгилаб берди.

Маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз — халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидадир.

Яхши эслаймиз, бундан 23 йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, **"Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта, буюк бўлади!"** деган даъваткор сўзлари ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ижобатини топганини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари ривож топмоқда, минг йиллик қадриятларимиз қайта тикланмоқда.

Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида Республика Маънавият тарғибот марказининг алоҳида дастури тайёрланди.

Унга кўра, Мустақиллик байрами тарғибот-ташвиқотини аҳоли ўртасида кенг миқёсда олиб боришни кўзда тутганмиз. Шу йўналишларда Марказимиз томонидан тўрт босқичда тарғибот ишлари амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарғибот гуруҳлари июль-август ойларида ҳар бир туман ва шаҳардаги амфитеатрларда, истироҳат боғларида, дала шийпонларида, маҳалла гузарларида бўлиб, тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида олға сурадилар.

Ҳозирда тарғиботчиларимиз учун 22 мавзудаги тарқатма ва маъруза метериаллари, слайдлар етказиб берилди. Уларда Президентимизнинг турли халқаро анжуманларда, байрам ва шонли саналарда сўзлаган маърузалари ўрин олган бўлиб, ҳаётий мисоллар билан кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Зеро, барча юртдошларимиз ўтган даврда Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марралар моҳияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистондай гўзал ва бетакрор юртда яшаётганидан фахрланиб юриши, шу муқаддас Ватанимизга севги ва садоқатини бахшида айлаши, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизда ўз ҳиссаси борлигини англаши, бағрикенглик ва юксак ирода, сабр-тоқат ва фидойилик каби эзгу хислатларини янада уйғунлаштириб, бундан-да улуғвор ишларга қодирлик ишончи билан яшаши зарур.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари
("Туркистон-пресс")

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик учун қулай имкониятлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон билан тасдиқланган дастур асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимли равишда олти йўналишга бўлинган.

Шулардан бири — тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти таъсирчанлигини ошириш ва уларнинг шаффофлигини таъминлашдан иборатдир.

Бунда интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали ҳужжатларни расмийлаштириш тизими жорий этилади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу портал орқали йўлга қўйилади.

Шунингдек, рўйхатдан ўтиш тартиботларининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, давлат рўйхатидан ўтганлик учун давлат божини интернет тармоғининг "онлайн" режимида тўлаш имконини таъминлаш, барча давлат қўмиталари, вазирликлар ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий-меъёрий ҳужжатларни ўзларининг расмий веб-сайтларида мажбурий тартибда жойлаштириб боришини таъминлаш, давлат рўйхатидан ўтганлик учун гувоҳномаларни тижоратчи ташкилотлар учун — ариза ва таъсис ҳужжатлари асосида, якка тартибдаги тадбиркорлар учун — ариза ва шахсини тасдиқловчи паспорт асосида бериш амалиётини жорий этиш галдаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бундан ташқари "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона базасини, лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни олишда интерактив хизматларни кўрсатиш учун "Лицензия" ахборотлаштирилган тизимини ташкил этиш, божхона юкларини расмийлаштиришда "Божхона", коммунал хўжалиги соҳасида "Коммунал" ахборот тизимини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Айтиш керакки, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан жойларда Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан мунтазам равишда ўрганишлар ўтказиб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Шунингдек, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида иш режаси ва ариза-шикоятларга асосан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга 37 та тақдимнома, 43 та кўрсатма, 17 та огоҳнома киритилди, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 23 та баённома расмийлаштирилди.

Бундан ташқари 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида судларга 117 244 835 сўмлик 25 та даъво аризаси киритилди. Улардан 10 таси судлар томонидан қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари мамлакатимизда тадбиркорларга муносиб ҳуқуқий ҳимоя тизими яратилаётганидан далолат беради. Иқтисодиётимиз таянчига айланиб бораётган тадбиркорларимиз улардан ўз ўрнида унумли фойдаланса-лар, фаолиятлари янада ривожланиб бораверади.

Б.АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Fuqarolik qonunchiligi

Кредит

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг янада ривож топиши, ўз фаолиятини узлуксиз кенгайтириши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Айниқса, банклар томонидан имтиёзли асосларда кредит маблағларининг ажратилаётгани тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини изчил йўлга қўйиши, янги иш ўринлари яратиш ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда.

Албатта, банк ёки кредит берувчи ташкилотлардан кредит олган тадбиркорлик субъекти, аввало, бу маблағни мақсадли йўналтириши, бу борада суиистеъмолчиликка асло йўл қўймаслиги лозим.

Ҳаётда банкдан олган кредит маблағларидан оқилона фойдаланиб, фаолиятини тобора ривожлантираётган тадбиркорлар билан бирга бу борада масъулиятни унутиб қўядиган, аниқроқ айтганда, нафс илинжида турли хил қилмишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, даъвогар ОАТБ "Ҳамкорбанк"нинг Самарқанд филиали жавобгар Б.Хушвақтовга нисбатан кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва юзага келган қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат килган. Судда аниқланишича, ОАТБ "Ҳамкорбанк"нинг Самарқанд шаҳри филиали ва Б.Хушвақтов ўртасида 2011 йил 27 август куни кредит шартномаси расмийлаштирилиб, жавобгарга йиллик 22 фоиз устама тўлаш шарти билан 60 ойлик муддатга 9.600.000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган. Кредит таъминоти сифатида Б.Хушвақтовга тегишли "Матиз" русумли автомашина гаровга қўйилган. 2011 йил 27 августда банк ва жавобгар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 3.1.4 бандида кредит ва унга ҳисобланган устама фоизларни белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаб бориш белгиланган.

Бироқ Б.Хушвақтов кредит маблағини қўлга киритгач, зиммасидаги масъулиятни буткул унутиб қўяди. Яъни у кредит маблағини ўзи билганча сарфлаб, банкка фоизларни тўлаб боришни хаёлига ҳам келтирмайди. У банк томонидан билдирилган огоҳлантиришларни ҳам жавобсиз қолдирган.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берди, даъвогар ОАТБ "Ҳамкорбанк"нинг Самарқанд шаҳри филиалининг кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва қарзни ундириш тўғрисидаги даъвосини каноатлантирди. Жавобгар Б.Хушвақтовдан даъвогар фойдасига жами 7.588.965 сўм миқдоридаги қарздорликни ундириш ва ундирувни гаровга қўйилган "Матиз" русумли автомашинага қаратишни лозим, деб топди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, хорижий сармоя иштирокидаги "Савдогар" банкнинг Улуғбек филиали ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, якка тартибдаги тадбиркор Амин Ғафуров ва Лутфия Ғафуровага нисбатан ажратилган кредит ҳисобидан юзага келган қарздорликни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ундириб беришни сўраган.

Yangi qonun mohiyati

Одил судлов тамойиллари

янги қонун билан янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Жиноят кодексининг порахўрлик, хусусан, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига қуйидаги иккита йўналишда ўзгартиш киритилди.

Биринчиси, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, пора олиш учун белгиланган жазолар тури, миқдори ва муддатлари билан бир хилда белгиланди, яъни эндиликда порахўрлик жиноятлари учун жазолар бирхиллаштирилди.

Иккинчиси, Жиноят кодексининг 211-моддасида пора берувчи шахс, 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида белгиланган эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгартириш киритилди, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган юқоридаги каби рағбатлантирувчи қоиданинг қўллаш асослари чегараланди, яъни эндиликда пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай вақтда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди.

Қисқаси, янги қонун билан пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар жиноий ҳаракатлар содир этилган вақтдан ўттиз сутка ўтгандан кейин бу ҳақда хабар берган бўлсалар, улар жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки умумий тартибда пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарликка тортилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, қонунда жавобгарликдан озод қилишнинг аниқ муддати белгилаб қўйилиши, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини, порахўрлик жиноятлари профилактикасини оширишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай шахсларга порахўрлик жиноятлари ҳақидаги хабарни белгиланган муддатда бериш мажбуриятини юклаш орқали жиноятларни ўз вақтида аниқланишига эришилади.

Маълумки, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари лозимлиги, башарти, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга киритса, маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур норма ижросини таъминлаш мақсадида янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 193-3-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилиши энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, шунингдек, бундай ҳолат аниқланганда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиши белгилаб қўйилди.

Бу, ўз навбатида, айрим мансабдор шахслар томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказмасдан амалиётда қўллаши каби қонунга номувофиқ ҳаракатларининг олдини олишга, пировардида идоравий манфаатлар асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишига чек қўйишга, бу борада вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, "Нотариат тўғрисида"ги қонунга кўра, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Мазкур талабларнинг стажировка ўташ муддати билан боғлиқ қисмига нисбатан айрим тоифадаги мутахассислар учун қисқартирилган муддат белгиланди. Жумладан, судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш муддати бир йилни ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Боиси беш йил давомида судья бўлиб ишлаган ёки нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширган шахсда бошқа тоифа шахсларга нисбатан бу борада амалий тажриба кўпроқ бўлади. Айни шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, судьялик лавозимида ишлаган шахсларга алоҳида имтиёз берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармонининг тегишли бандининг ижросини таъминлаш, суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида янги қонун билан хўжалик судининг мажлислари видеоконфренцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлиги белгиланди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик судларига тааллуқли низоларни қисқа муддатларда ҳамда турли сансалорликларга йўл қўймасдан, яъни турли оралиқ масофадаги, масалан, мамлакатимизнинг бир вилояти ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа вилоят ҳудудида жойлашган тадбиркор билан низоси уларни бир вилоят ҳудудига чақирмасдан, масофадан туриб, видеоконфренцалоқа режимида ўтказиш белгиланди.

Ўз навбатида, қонунда суд мажлиси видеоконфренцалоқа режимида ўтказилганлиги баённомада кўрсатилиши, шунингдек, суд мажлисини видеоконфренцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суд харажатларининг таркибига киритилиши ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари Хўжалик-процессуал кодексига якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ҳам хўжалик судига тааллуқлидир, деган қоида киритилди. Бу эса, ушбу тоифадаги ишларни кўришда хўжалик судлари билан умумий юрисдикция судлари ўртасидаги бу каби ишлар қайси судга тааллуқли эканлиги каби ҳолатларга аниқлик киритди.

Қонундаги яна бир янгилик шундан иборатки, илгари хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ёки хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти беришга фақат ишда иштирок этувчи шахсларгина ҳақли эдилар. Мазкур қонун билан шикоят берувчи шахслар тоифаси кенгайтирилди, жумладан, эндиликда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган шахслар ҳам апелляция ёки кассация шикояти беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди.

Худди шундай тартиб фуқаролик процессида ҳам жорий этилди, яъни ушбу қонун билан Фуқаролик-процессуал кодексининг тегишли моддаларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал этиладиган шахслар ҳам апелляция ёки кассация шикояти беришга ҳақли шахслар тоифасига киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг туб замирида одил судлов тамойилларини янада ривожлантириш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқлари самарали таъминланишига эришиш, шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида тиклаш имконини яратиш, шунингдек, порахўрлик жинятларининг туб илдизини йўқотиш, умуман, бундай жиноятларни субъектларига кескин чоралар кўриш орқали жамиятда қонун устуворлиги ҳамда адолат тамойилларини янада мустаҳкамлаш ғоялари мужассамдир.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди

Huquqiy ma`rifat

Сиртдан иш юритиш тартиби



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий суд Пленумининг **"Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"**ги қарори 14-бандида сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори тўғрисида батафсил тушунтириш берилган. Унда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар ишнинг кўрилишига эътироз билдирмаган бўлса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлиги қайд этилган.

Судларда сиртдан иш кўришдан кўзланган асосий мақсад — фуқаролик процессида тарафларнинг, хусусан, жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун процессуал жавобгарликни ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларнинг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан, ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бунда суд томонидан сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имконияти вужудга келади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни қонун нормалари асосида белгиланади ҳамда қарорнинг хулоса қисмида мазкур ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби тушунтирилади. Фуқаролик ишларини сиртдан кўришнинг асосий шартларидан бири жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида маълумот бўлиши лозим. Суд мажлисига келмаган тарафга сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот марказининг қиёсий маълумотларига қараганда, республикамизнинг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан 2012 йилда 37 минг 462 та сиртдан қарор чиқарилиб, шундан 2 минг 733 та (7,3%) қарор бекор қилинган. 2013 йилда 28 минг 403 та сиртдан қарор чиқарилиб, шундан 2 минг 481 та (8,7%) қарор бекор қилинган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, суд мажлисида иштирок этмаган тараф ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Суд томонидан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза у тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўрилиб, аризани қаноатлантирилмаслик ёки сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклаш ҳақида ажрим чиқаради.

Суд қарорни бекор қилиш ҳақидаги аризани кўриш вақтида тарафлар узрли сабабларга кўра, бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлиги, тараф қарорнинг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганлигини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори шу қарорни чиқарган суд томонидан бекор қилинса, ишни мазмунан кўриш тикланиб, умумий қоидалар асосида иш кўриб чиқилади.

Шу ўринда суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, сиртдан кўрилиб, бекор қилинган ва қайта кўрилган фуқаролик ишларининг аксарияти қарз ундириш, уй-жой низолари, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни буздиришга оид фуқаролик ишларини ташкил этмоқда.

Агарда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳисобланмайди ва жавобгар қарорни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори сифатида қайта кўришни сўраш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Статистик маълумотларга қараганда, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти туманлараро судларида 2013 йил давомида 9 минг 920 та фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб, иш мазмунан ҳал этилган бўлса, шундан 2 минг 60 та ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган. Бу кўрсаткич 2012 йилда 3 минг 574 тани, 2011 йилда 3 минг 715 тани ташкил этган.

Айтиш керакки, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори даъвогарнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлар билан мустаҳкамлайди, тарафларнинг, айниқса, жавобгарларнинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Шунингдек, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қайта тикланишига кўмаклашади, энг асосийси, жавобгарнинг суд томонидан ишни мазмунан қонун доирасида кўриш даврида бўлар-бўлмас важлар билан суд мажлисини кейинга қолдиришининг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фуқаролик процессида сиртдан иш юритиш тартиби фуқаролик ишларини сансалорликка йўл қўймасдан, ўз вақтида кўриб чиқиш имконини беради.

А.ИКРОМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти суди раисининг ўринбосари

шартномаси

унинг шартларини тўлиқ адо этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Аниқланишича, 2012 йил 13 июль куни "Савдогар" банкнинг Улуғбек филиали билан жавобгар ўртасида 55-сонли кредит шартномаси имзоланган. Мазкур шартномага асосан, якка тартибдаги тадбиркор А.Ғафуровга бир йил муддатга 30.000.000 сўм йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит ажратилган. Бу кредит маблағи қайтарилиши таъминоти сифатида жавобгарга тегишли бўлган Самарқанд шаҳри, Д.Зокирова кўчасидаги 43-уйда жойлашган омборхона гаровга қўйилган. Шундан келиб чиқиб, манфаатдор банк, якка тартибдаги тадбиркор хамда мулк эгаси Л.Ғафурова ўртасида 2012 йил 23 июль куни нотариал тартибда ипотека шартномаси имзоланган. Тарафлар ўртасида мазкур объект ўзаро келишилган ҳолда 40.000.000 сўмга баҳоланган. Ушбу шартноманинг 4.2-бандига асосан, жавобгар кредит фоизлари ва асосий маблағни белгиланган тартибда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлсада, бироқ у масъулиятга панжа орасидан қараган. Оқибатда кредит қарзи бўйича 27.550.000 сўм ва фоизлар бўйича 697.583 сўм, жами 28.247.583 сўм миқдордаги қарздорлик юзага келган.

Айтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 236-моддасида "Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак", дея қайд этилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 279-моддасида "Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган молмулкка қаратиш мумкин", деб кўрсатилган.

Суд даъвогар вакилининг кўрсатмасини тинглаб, ишда мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш лозим, деган тўхтамга келди. Яъни юзага келган қарздорликни гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундириш белгиланди.

Юқорида баён этилган мисоллардан ҳам кўринадики, банк томонидан ажратилаётган кредит маблағларидан фақат мақсадли ва оқилона фойдаланилган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин. Чунки кредит маблағи — бу ҳадя эмас, балки у иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун бериладиган моддий кўмакдир.

Ғолиб ВОҲИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: "Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларида ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш".

- Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- **"Ватан фаровонлиги оиладан бошланади"** шиори остида лойиҳаларни амалга ошириш;
- аҳолининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидан хабардорлигини ошириш, маҳаллий экологик вазифаларини ҳал этишда аҳоли иштирокини таъминлаш;
- соғлом турмуш тарзини айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;
- атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларининг олдини олишга кўмаклашиш;
- ННТларининг маҳаллалар билан шерикликда бажариладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг турли гуруҳлари орасида юқумли касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш, профилактик чора-тадбирлар борасида хабардорлигини юксалтириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксалтиришга кўмаклашиш;
- соғлом авлодни вояга етказишда таълим ва спортнинг аҳамиятини янада кучайтириш, болаларни баркамол ривожлантириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар билан таъминлаш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги аёлларни сифатли ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминлашга кўмаклашиш;
- ижтимоий инфратузилма объектларида энергия ва сувни тежаш, замонавий чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Танлов мавзуси: "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш".

- Танловда Ўзбекистон Республикаси ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;
- оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;
- болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш;
- янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни ва жисмоний имконияти чекланган шахсларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;
- республиканинг чекка туманларидаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;
- болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳаллаларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;
- болалар ва аёлларни оммавий спорт турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада анъанавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;
- болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;
- мураккаб ҳаётий шароитда қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш.

Танлов мавзуси: "Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларнинг, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш".

- Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;
- болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;
- алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;
- ёшлар ва ўсиб келаётган авлоднинг фаровон ва соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида тасаввурини шакллантириш;
- таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг ижодий интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;
- "Бир болага етти қўшни ота-она" шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;
- ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида кўп асрлик ва синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан), шунингдек, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимномаси ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағлари жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 23 июндан 1 августгача, ҳар куни соат 9^{30} дан 17^{00} га қадар.

Танловда давлат рўйхати ва ҳисобидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй" манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

Mezon

Шартли ҳукм

у қандай тартибда ва кимларга нисбатан қўлланади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, жазо — жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Айтиш керакки, жазо тизимида шартли ҳукм қилиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Шартли ҳукм қилиш шахсни жазодан озод қилишнинг бир тури бўлиб, бу Жиноят кодексининг 72-моддасида белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, шартли ҳукм фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар тайинланган ҳолда қўлланилиши мумкин.

Шартли ҳукм қўлланилганда бир йилдан уч йилгача бўлган синов муддати белгиланади ва бу муддат ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар шартли ҳукм апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўлланилган бўлса, бундай ҳолда ҳам синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Шартли ҳукм қилишда белгиланган синов муддатини қисқартириш Жиноят процессуал кодексининг 541-моддаси учинчи қисмига мувофиқ маҳкумнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан ҳал қилинади.

Қонун бўйича шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди. Бунда суд узил-кесил жазо тайинлашдан аввал, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномаси борйўқлигидан қатъи назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қилади.

Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар доираси қатъий белгиланган. Шу сабабли агар шартли ҳукм қилинган шахснинг ўша иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган бошқа жиноятда ҳам айбдорлиги аниқланса, ушбу ҳолат жазонинг шартлилигини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолда Жиноят кодексининг 59-моддаси қоидалари қўлланилмайди (чунки шартли ҳукм, юридик табиатига кўра, жиноий жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади) ва биринчи ҳамда иккинчи иш бўйича чиқарилган ҳар қайси ҳукм алоҳида ижро қилинади.

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан, жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шартли ҳукм қонунчилигимизда устуворлик касб этувчи инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилига мос бўлиб, амалда шахснинг манфаатини таъминлашга хизмат қилади.

Фазлиддин СУВОНҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судининг раиси

Jinoyat va jazo

Нопок қилмиш

кишини бадном этибгина қолмай жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади

Аввало шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда халқимиз ҳаётининг хавфсизлигини, жамият ва давлат манфаатларини, ҳар қандай шаклдаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Албатта, тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик таъминланган муҳитда одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди, ҳар бир соҳада ривожланишга, бунёдкорлик ва яратувчанлик рўёбга чиқишига кенг йўл очилади.

Бироқ ҳаётда баъзан ўзгаларнинг тинч ва осойишта турмушига хавф солиш, турли жиноий қилмишларни содир этиш йўли билан мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради. Айтайлик, бундай кимсалар томонидан содир этиладиган босқинчилик жинояти ўзгаларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига таҳдид солиши билан ўта хавфли жиноят ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ижтимоий хавфи юқори бўлган бу қилмишга қўл урган бундай кимсаларга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ҳаётий мисолга мурожаат этсак, Д.Маннабоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) жорий йилнинг 27 феврал куни соат тунги 02^{00} ларда маст ҳолатда ўзганинг мулкини босқинчилик йўли билан қўлга киритиш режасини тузади. Шундан сўнг у махсус ниқоб кийиб олган ҳолда ўйинчоқ қурол билан қуролланиб, Ю.Абдуллаевнинг хонадонига бостириб киради ва ундан 2000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилади, унинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатади.

Бироқ Д.Маннабоев нечоғлик таҳдид қилмасин барибир нопок мақсадига етолмайди. Шундан сўнг у Ю.Абдуллаевнинг ҳамёнидаги 15000 сўм пулни олиб, кўздан ғойиб бўлади. Яширириб юриш орқали жавобгарликдан қутулиб қолишга уринган бу кимса тез орада қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича туман суди Д.Маннабоевни Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" банди билан айбдор, деб топди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Юқоридаги воқеани баён этишдан кўзланган мақсад шуки, инсон фақат эзгу ва савоб ишлари билан ҳақиқий бахтга эришиши мумкин. Нопок қилмиш, турли хил жиноятларга қўл уриш кишини бадном этибгина қолмай қонуний жавобгарликка сабаб бўлади.

Қобилжон ХОЛБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Чуст тумани судининг раиси

G'aroyib olam

Ҳар биримиз ҳаётда фалончи роса омадли киши, нимага қўл урса, барча иши бароридан келаверади, деган гапларни кўп эшитганмиз. Аслида ҳам ҳаётда шундай кишилар учраб туради. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки омад деган тушунча тўғрисида.

Биз билган ва билмаган дунё

ОМАД ТАҚДИРГА БОҒЛИҚМИ?

Хўш, биз омад ҳақида нималарни биламиз? Омаднинг ўзи нима: у қандайдир реал кучми ёки хаёлий бир гап?

Айтиш керакки, бу саволлар узоқ йиллардан буён дунё олимларини қизиқтириб келади. Эътиборлиси, жаҳоннинг турли мамлакатларида олимлар бу борада бир қатор изланишларни ҳам амалга оширган. Мисол учун ярим аср давомида англиялик бир гуруҳ олимлар омад кулиб боқишдек ноёб ҳодисани кузатгач, омадли одамлар ўртача 3-5 фоизни ташкил этади, деган хулосага келишган.

Айтиш керакки, ҳаётда шундай одамлар ҳам учрайдики, уларнинг омадсизлигини кўриб ёқа ушламасликнинг иложи йўқ. Масалан, сиднейлик Жон Малнесс Австралияда энг омадсиз одам сифатида танилган. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: уни икки марта заҳарли илон чақиб олган, уч марта машина, тўрт марта мотоцикл уриб юборган. Бу ҳам етмагандек, етти марта велосипед тагида қолиб кетган. Ҳозир у тўқсон ёшда. Унинг биргина тилаги — ҳеч бўлмаганда 100 ёшга беталофат етиб олишдир.

Италиялик Тулио Чезерега эса, куёвлик сарупоси бахт келтирмади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у бўлажак қаллиғи билан никоҳ ўқитиш учун ибодахонага кириб кетаётганда бехосдан йиқилиб тушиб, оёғини синдириб олади. Дўстлари уни кўтариб машина томон кетишаётганда яна бир фалокат рўй беради, яъни улар ҳам қоқилиб кетиб шўрлик Тулиони ерга ташлаб юборишади. Бунинг оқибатида Тулионинг умуртқа суяги лат ейди. Шундан сўнг унинг дўстлари "Тез ёрдам" машинасини чақиришга мажбур бўлишади. Тулионинг омадсизлигини қарангки, "Тез ёрдам" машинаси ҳам йўлда автоҳалокатга учрайди. Ва ниҳоят, бўлажак куёвни касалхонага бир амаллаб олиб келгач, дераза ёнидаги бўш ўриндиққа ётқизиб қўйишади. Аммо шу ондаёқ дераза устига қоқилган парда тутқич ўз-ўзидан Тулионинг бошига қулаб тушади... Бундан ҳам ёмони шундаки, Тулионинг бошига тушган қулфатларни кўриб, чамаси, ҳафсаласи пир бўлган шекилли, қаллиғи ҳам уни ташлаб кетади.

Дунёдаги энг омадсиз одам сифатида франциялик Бернар Ашерио Геннининг Рекордлар китобига киритилган. Гап шундаки, эндигина бир ярим ёшга тўлган Бернар йиқилиб, оёғини синдириб олган. Орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмай, велосипеддан йиқилиб, бошига жароҳат етади. 1951 йилда туғилган бу одамнинг танасида айни пайтга келиб синмаган ва лат емаган жойи деярли қолмаган. Ҳаёти давомида у 160 марта турли хил бахтсиз ҳодисаларнинг "қаҳрамони"га айланган. У 2004 йилни ҳаётидаги энг омадсиз йил деб билади. Негаки, ўша йил феврал ойида чақмоқ уриши натижасида унинг уйидаги телевизор, музлаткич ва кондиционер бараварига ишдан чиқади. Орадан бир кун ўтиб, иситиш қувурлари ёрилиб кетиши натижасида уйини сув босади. Орадан икки кун ўтиб эса, йўлда кетаётган Ашерионинг машинаси устига олдиндаги юк машинаси газ балонлари қулаб тушади. Шундан сўнг у машинасини таъмирлатиб, устахонадан энди чиқаётганда яна фалокат рўй беради. Яъни қандайдир маст ҳайдовчи машинаси билан унинг машинаси орқасига келиб урилади.

Буни қарангки, шунча омадсизликка қарамай Аширо ҳаётда тушкунликка асло тушмайдиган, интилувчан одам экан. Негаки, бошидан кечирган бу кўргуликларни китоб қилиб ёзди. Бу китобда у ўзини омадсиз эмас, аксинча, шунча кўргуликлардан омон қолган энг омадли одам эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Маълумки, ёзнинг жазирама кунлари одамлар иссиқдан сақланиш учун турли хил воситалардан фойдаланишади. Янги зеландиялик Кристос Бертос эса, бу борада ўта антиқа йўлни ўйлаб топди. Гап шундаки, у самолёт паррагидан ҳаво пуркагич сифатида фойдаланишга қарор қилди. Аммо унинг бу ихтироси муваффақиятли чиқмади. Ҳафсала билан енг шимириб ишга киришган Бертос самолёт паррагини уй шифтига ўрнатгач, уни ишга тушириш чорасини кўра бошлайди. Бояқиш К.Бертос бу ихтироси билан барчани ҳайратга солиш ниятида эди. Шу боис у бир ҳафта тиним билмай ишлайди. Ниҳоят, ҳамма нарса тайёр бўлгач, у мамнун жилмайган кўйи самолёт паррагини ишга тушириш тугмасини босади... ва бир зум ўтмай уй томи осмону фалакка кўтарилиб, учиб кетади.

Қуйидаги воқеани ҳақиқий омадсизлик деса бўлади. Иван Макдавер исм-шарифли парашютчи ўзининг вертолётдан сакрагани видео-тасмага тушириш мақсадида, бош кийимига митти видеокамера ўрнатади. Шундан сўнг у барча анжомларни тайёрлагач, ўзини вертолётдан пастга отади. Фақат у пастга сакраётган сўнгги лаҳзалардагина камера ўрнатиш билан овора бўлиб парашютини унутиб қолдиргани ёдига тушади...

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд хўжалик бўлими ходими Музаффар Тожибоевга онаси

Сойибхон аянинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 феврали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Шоюнус ҒАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7297.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 21^{00} Топширилди: 22^{00}